

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУЙДИНОВ НУРИЛЛО ТЎХТАРОВИЧ

**КОЛЛАГЕН ВА КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗА АСОСИДА
БИТИШМА ЖАРАЁНИГА ҚАРШИ КОМПОЗИЦИЯ ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Мўйдинов Нурилло Тўхтарович

Коллаген ва карбоксиметилцеллюлоза асосида битишма жараёнига қарши
композиция яратиш..... 3

Муйдинов Нурилло Тухтарович

Создание противоспаечных композиций на основе коллагена и
карбоксиметилцеллюлозы..... 21

Muydinov Nurillo Tuhtarovich

Creation of anti adhesion compositions based on collagen and
carboxymethylcellulose..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУЙДИНОВ НУРИЛЛО ТЎХТАРОВИЧ

**КОЛЛАГЕН ВА КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗА АСОСИДА
БИТИШМА ЖАРАЁНИГА ҚАРШИ КОМПОЗИЦИЯ ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/К71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураев Аббосхан Собирханович кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Бобоев Бахром Нуруллаевич кимё фанлари доктори, профессор Тулаганов Абдуқодир Абдурахмонович фармацевтика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha2mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби к.ф.д.

М.Б.Гофуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий ўсимлик ва ҳайвонот хом ашёлари асосида турли дори препаратлари ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки бундай хом ашёлар асосида олинган воситалар синтетик воситаларга нисбатан кам захарлилиги, биомосланувчанлиги, сўрилувчанлиги ва жароҳат битказувчи хусусияти юқори бўлади. Сўнгги йилларда ҳайвон хом ашёсидан ажратиб олинган коллаген асосида тиббиёт, фармацевтика ва косметология учун воситалар олиш бўйича тадқиқотлар ривожланмоқда. Бу, коллаген асосида олинган воситаларнинг юқори биомосланувчанлиги, организмда сўрилувчанлиги, аллергия чақирмаслиги, ножўя таъсирининг камлиги ва терапевтик самарадорлигига боғлиқ.

Бугунги кунда дунёда тери саноати чиқиндиларидан табиий тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олиш, унинг хусусиятларини тадқиқ этиш, коллаген ва полисахаридлар асосида композициялар олиш ҳамда улар асосида янги тиббий воситалар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тиббиёт амалиётида коллаген ва полисахаридлар асосида олинган турли тиббий воситалар (КолГара, Мезогел, Seprafilm ва бошқ.) қўлланилмоқда. Тадқиқотлар табиий биополимерлар асосида юқори самарали ва тиббий талабларга жавоб берувчи воситалар яратишга йўналтирилган. Хусусан, тери хом ашёсидан табиий тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олиш, шунингдек, белгиланган хоссаларга эга композициялар олиш мақсадида уни полисахаридлар билан модификациялаш орқали улар асосида жарроҳлик амалиёти учун юқори самарадор, ножўя таъсири кам воситалар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда табиий хом ашёлар асосида юқори самарали тиббий воситалар яратиш ва уларни амалиётга жорий қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва бунда инновацион ютуқлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, аниқ натижаларга, жумладан, янгича ёндошувга асосланган, юқори самарадор дори воситалари ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (4-йўналиш) «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган¹. Бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда коллаген асосида жарроҳлик амалиёти учун битишма ва яраларни даволаш хоссаларига эга бўлган, кам захарли янги тиббий воситаларни олиш муҳим аҳамият касб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида», Президентнинг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика соҳасини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари» фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3552-сон «Фармацевтика соҳасини тезкор ривожлантиришнинг қўшимча чоралари» қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар томонидан, қорамол терисидан коллаген ажратиб олиш, уни полисахаридлар билан модификациялаб тиббиёт ва фармацевтикада фойдаланиш учун препаратлар яратиш борасида тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.И. Сапожникова, М.П. Васильев, Л.П. Истранов, Л.В. Кухарева, С.А. Батечко, И.В. Кис, А.Н. Иванкин, И.А. Голотова, И.С. Шестаков, В.И. Чурсин, Л.В. Антипова, А.Н. Коновалов, М. Kurayanagi, А. Yamamoto, M.J. Albu ва Zhe Wangлар томонидан коллаген ажратиб олиш ва унинг асосида биополимер композициялар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг биологик фаолликларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамизда мазкур йўналишда акад. А.С. Тураев, проф. А.А. Саримсоқовлар илмий тадқиқотлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришишган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Биоорганик кимё институтида қорамол терисидан табиий тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олиш ва уни модификациялаш йўли билан белгиланган тиббий-биологик хоссаларга эга жарроҳлик буюмларини яратиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда, асосий эътибор қорамол териси хом ашёсидан табиий уч спирал тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олиш ва унинг полисахаридлар билан композицияси асосида биологик фаол тиббий воситалар яратишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ФА-2017-6-1 «Коллаген асосида «Биоплант» инъекцион препаратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коллаген ва полисахарид композициялари

асосида жарроҳлик плёнка воситаларини олиш ва уларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорамол терисидан иккинчи ишқорий-тузли гидролизлаш усулида уч спирал тузилишини сақлаган коллаген сувли массасини ажратиб олиш ва унинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш;

табiiй коллаген сувли массаси ва полисахаридлар (Na-КМЦ, пектин) асосида композициялар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш;

табiiй коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ, пектин) композициялари асосида плёнка намуналарини олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш, уларнинг физик-кимёвий ҳамда механик хоссаларини ўрганиш;

плёнка намуналарининг фармако-токсикологик хусусиятларини ҳамда битишмада, куйганга қарши ва юз-жағ жарроҳлигидаги биологик фаоллигини ўрганиш;

табiiй коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ, пектин) асосида олинган плёнкаларнинг меъёрий техник ҳужжатларини тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти қорамол терисидан ажратиб олинган коллаген сувли массаси, Na-КМЦ (ПД 530, АД 85), цитрус пектини (–ОСН₃ гуруҳи миқдори 65%), глицерин, коллаген/Na-КМЦ ва коллаген/пектин композициялари, улар асосида олинган плёнкалар.

Тадқиқотнинг предмети қорамол терисидан ишқорий-тузли гидролизлаш усулида коллаген сувли массасини олиш, коллаген сувли массаси ва полисахаридлар (Na-КМЦ, пектин) асосида композициялар олиш, коллагеннинг сувли масса ва композициялар таркибида табiiй тузилишининг ўзгариши, эритмалар қовушқоқлиги, молекуляр катталиклари, морфологик тузилиш ҳамда биологик (битишмага, куйганга қарши ва юз-жағ жарроҳлиги) фаоллигининг тадқиқоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кимёвий усуллар (ишқорий-тузли гидролизлаш, экстракциялаш, модификациялаш ва бошқ.), бирикмаларнинг кимёвий тузилишларини аниқлашда физик-кимёвий усуллар (ИК-спектроскопия, хроматография, электрофорез, реология, вискозиметрия, электрон микроскопия, ТГ, ДСК), биологик ва фармако-токсикологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

қорамол терисидан ишқорий-тузли гидролизлаш усулида уч спирал тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олишнинг мақбул гидролиз шароитлари аниқланган;

коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ, пектин) асосида олинган композицияларни глицерин билан пластификациялаб, биологик фаол плёнкалар олинган;

коллаген ва полисахаридлар асосида олинган плёнкаларни жарроҳлик амалиётидан сўнг тўқималарнинг бирикишини олдини олувчи тўсиқ восита

сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган;

коллаген, Na-КМЦ ва глицерин асосидаги композицияга хлоргексидин антисептик препаратини қўшиш орқали яра битказувчи плёнка олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорамол терисидан табиий уч спирал тузилишини сақлаган коллаген ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган;

коллаген ва полисахаридлар асосидаги композицияларни глицерин билан пластификациялаш орқали олинган плёнкаларнинг жарроҳлик амалиётидан кейин тўқималарнинг бирикиб қолишини олдини олишда, куйганга ва юз-жағ жарроҳлигида қўлланилувчи потенциал объектлиги аниқланган;

жарроҳлик амалиётидан кейин тўқималарнинг бирикиб қолишини олдини олишда қўлланиладиган коллаген, Na-КМЦ ва глицерин асосида олинган «КолКацел» плёнкаси учун меъёрий техник ҳужжатлари тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Стюдент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончилиқ интервали оралик қийматларини ҳисоблаган ҳолда олиб борилди. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патент олинishi билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коллаген сувли массаси ва полисахаридлар (Na-КМЦ ва пектин) асосида плёнка олиш усули таклиф қилинганлиги, органик эритувчиларсиз нейтрал муҳитда композиция олиш усуллари аниқланганлиги, плёнка таркибида коллагеннинг табиий тузилишини сақлаб қолиши аниқланганлиги, олинган плёнка намуналарининг жарроҳлик амалиётидан кейинги битишмаларни олдини олиши, куйиш жароҳатларини даволаш ва юз-жағ нуқсонларини бартараф қилиш хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, коллагеннинг сувли массасини ажратиб олиш усулидан фойдаланиб, унинг полисахаридлар билан композициялари асосида плёнка олиш усули аниқланди. Таклиф қилинган усуллар ҳамда аниқланган механизмлардан коллаген асосида суртма, гел ва плёнка кўринишидаги воситалар яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари коллаген асосида жарроҳлик амалиётидан кейинги битишмаларни олдини олувчи, куйиш жароҳатларини даволовчи ва юз-жағ нуқсонларини бартараф этувчи хусусиятларига эга восита яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ ва пектин) композициялари асосида олинган

плёнкалар ва уларнинг битишмага, куйганга ва юз-жағ жаррохлигида биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

терини ишқорий-тузли гидролизлаш, нейтраллаш, буферли экстракциялаш, иккинчи марта 60-120 дақиқа давомида гидролизлаш каби жараёнлари бўйича олинган натижалардан ФА-И11-Т010 рақамли «Коллаген асосида “ТЕМОГУБКА” гемостатик қопламасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасида қорамол терисидан ишқорий-тузли гидролизидан табиий структурасини сақлаган коллаген олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 4 июндаги 4/1255-1150-сон маълумотномаси). Натижада коллагеннинг сувли массали субстанциясидан “ТЕМОГУБКА” гемостатик қопламасини олиш имконини берган;

коллаген ва полисахаридлар асосида олинган композициялардан Хитой Фанлар академияси Синьцзян физика ва кимё-техника институтининг “International Science and Technology Center Projects” лойиҳасида полисахаридлар асосида композициялар олишда фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси Синьцзян физика ва кимё-техника институтининг маълумотномаси). Натижада полисахаридлар асосида янги биологик фаол композициялар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 5 таси Республика журналларида нашр этилган, шунингдек, 1 та патент олинган ва 2 та патент ихтироси учун талабнома топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Коллаген таркиби ва тузилиши, ажратиб олиш усуллари, коллаген ва полисахаридлар асосида композициялар олиш, уларнинг биологик фаолликлари бўйича замонавий тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, коллаген таркиби ва тузилиши, коллагеннинг ажратиб олиниши, коллагеннинг тиббиётда ишлатилиши, коллаген ва полисахаридлар асосида биоматериалларнинг олиниши, битишма ҳосил бўлиш механизмлари, куйганга қарши коллаген асосида олинган препаратлар, коллаген ва полисахаридлар асосида олинган плёнкаларнинг биологик фаолликлари бўйича замонавий тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Коллаген ажратиб олиш, коллаген ва полисахаридлар асосида композициялар олиш, уларнинг физик-кимёвий ва биологик тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, қорамол терисидан ишқорий-тузли усулда коллаген ажратиб олиш, унинг молекуляр катталикларини ва тузилишини аниқлаш, коллаген ва полисахаридлар (На-КМЦ ва пектин) асосида композициялар олиш, композицияларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, ушбу кўрсаткичлар асосида плёнка олишнинг мақбул усулини танлаш ва уларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш, плёнка намуналарининг биологик фаолликларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Коллаген ажратиб олиш, коллаген ва полисахаридлар асосида композициялар олиш, уларни физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида турли гидролиз вақтида қорамол терисидан коллаген ажратиб олиш, уларнинг аминокислота таркиби, молекуляр массаси ва қовушқоқлигини аниқлаш, коллаген ва полисахаридлар асосида композициялар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, композициялар асосида плёнка олиш, уларнинг структураси ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича изланиш натижалари келтирилган.

Коллаген асосида тиббий воситалар олишда коллагеннинг табиий структурасини сақлаши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун тери хом ашёларидан коллаген ажратиб олиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Биоорганик кимё институти олимлари (А.С.Тураев, Т.Гулямов, А.Ю.Атажанов, О.И.Раджабов) томонидан қорамол терисидан «Коллаген субстанциясини олиш усули» яратилган ва ушбу коллаген субстанцияси асосида паренхиматоз қон кетишда қон тўхтатувчи гемостатик қоплама «Гемогубка» тиббиёт воситаси олинган. Улар томонидан, коллагенни сувсизлантириш жараёнида иккинчи гидролиз босқичи 60 дақиқа давомида олиб борилган ва 5,5-6,2% гача коллаген сақлаган сувли масса олинган. Бироқ, ушбу коллаген сувли массасининг технологик

жихатдан оқувчанлиги камлиги ва шаклга қўйишдаги қийинликликлар сабабли, тадқиқотларимизда ишқорий-тузли гидролизлаш усули бўйича коллаген ажратиб олишнинг иккинчи гидролиз вақтини танлаш борасида изланишлар олиб борилди. Тадқиқотларда коллаген сувли массасидан макбул физик-механик хоссали композицион плёнка олиш мақсадида 60, 80, 90, 120 дақиқа давомида, 18-23°C ҳароратда гидролизланди. Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Коллаген сувли массасининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Иккинчи гидролиз вақти, дақиқа	Коллагеннинг сувли массадаги миқдори (г, %)	Солиштирама зичлиги (г/см ³)	6% сирка кислотада эрувчанлиги
1	60	5,5-6,2	0,295-0,310	эрийди
2	80	4,8-5,5	0,280-0,293	эрийди
3	90	4,2-4,6	0,262-0,278	эрийди
4	120	3,8-4,1	0,246-0,257	эрийди

1-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, иккинчи гидролиз вақтининг ортиб бориши билан сувли масса таркибидаги коллаген миқдори $5,5-6,2 > 4,8-5,5 > 4,2-4,6 > 3,8-4,1$ ва унинг солиштирама зичликлари камайиши аниқланди. Жумладан, гидролиз вақти 60 дақиқа бўлган намуналар учун солиштирама зичлиги 0,295-0,319 г/см³, 80 дақиқа учун 0,280-0,293 г/см³, 90 дақиқа учун 0,262-0,278 г/см³ ва 120 дақиқа учун 0,246-0,257 г/см³ ни ташкил қилди.

Коллагеннинг табиий уч спирал структураси сақланганлигини исботловчи асосий катталиклардан бири бу унинг характеристик қовушқоқлигидир. Адабиётларда табиий тузилиши сақлаган коллагеннинг минимал характеристик қовушқоқлик қиймати 11 га тенг бўлиб, денатурацияланган коллаген учун бу қиймат 0,1 га тенглиги келтирилган.

Шунинг учун иккинчи гидролиз вақтининг ўзгариши коллагеннинг характеристик қовушқоқлигига таъсири ўрганилди (1-расм).




1-расм. Иккинчи гидролиз вақти турлича бўлган коллагеннинг 6% ли сирка кислота эритмаларидаги характеристик қовушқоқлиги

60 дақиқа давомида олиб борилган иккинчи гидролиз натижасида ажратиб олинган коллагеннинг характеристик қовушқоқлик қиймати

$[\eta]=15,15$ га тенг. Иккинчи гидролиз вақтининг ортиб бориши билан характеристик ковушқоклик кийматининг камайиши кузатилди ва тегишлича 80 дақиқада $[\eta]=12,35$: 90 дақиқада $[\eta]=11,42$: 120 дақиқада $[\eta]=11,02$ га тенглиги аниқланди. Олиб борилган барча тажрибаларда коллагеннинг табиий тузилишини сақланганлиги исботланди. Бирок, гидролиз вақтининг ортиб бориши билан коллаген ажратиб олиш унуми камайди. Бу коллагеннинг спираллашмаган қисмларининг узилишидан ташқари, гидролиз вақти ортиши билан табиий тузилишининг ҳам бузилиши билан изоҳланади. Шунинг учун иккинчи гидролизнинг мақбул вақти сифатида 80 дақиқа танланди.

Тадқиқотларимиз давомида қорамол терисидан ажратиб олинган коллаген таркибидаги аминокислоталар ЮССХ (юқори самарали суюқлик хроматографияси) усулида аниқланди ва уларнинг миқдори илмий адабиётларда келтирилган аналог усуллар билан (қорамол терисидан ажратиб олинган) қиёсий таққосланган ҳолда ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, аминокислоталар миқдори деярли фарқ қилмаслиги аниқланди.

Адабиёт маълумотларига кўра коллаген уч спирал структура ҳолатидаги молекуляр оғирлиги 300 кДа атрофида бўлади. Коллагеннинг молекуляр оғирлигини аниқлаш учун электрофорез усулидан фойдаланилди (2-расм).



2-расм. Коллаген намуналарининг полиакриламид гелидаги электрофорези: 3, 4, 5, 7, 8 – коллаген намуналари; 6-st (94, 67, 43; 30; 20,1; 14,4 кДа)

Олинган натижалар асосида барча коллаген намуналарининг ўртача молекуляр оғирлиги 90-110 кДа эканлиги аниқланди. Бундан коллаген макромолекулалари учта α -занжирдан иборат бўлиб, ҳар бир α -занжирнинг ўртача молекуляр оғирлиги 100 кДа ни ташкил қилиб, умумий ҳолда ажратиб олинган коллагеннинг молекуляр оғирлиги 270-330 кДа оралиғига тўғри келади деб хулоса қилиш мумкин.

Коллаген сувли массаси қовушқоқ оқувчанлиги юқорилиги сабаб ундан биоматериал олиш имконияти йўқ. Шунинг учун тадқиқотларимизда коллагенга ўзаро мос келувчи биополимерлар билан композиция олиш мақсадида изланишлар олиб борилди. Биополимерлар сифатида полисахаридлардан Na-КМЦ ва цитрус пектини танланди. Тажрибалар нейтрал муҳитдаги коллаген сувли массасига органик эритувчиларсиз, турли масса нисбатларда қурук ҳолдаги полисахаридларни қўшиш орқали, коллаген-полисахарид аралашмасидан иборат оқувчан композициялар олинди (2-жадвал).


**Коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ ва пектин)
композицияларининг хусусиятлари**

№	Коллаген, г	Na-КМЦ, г	Мухит, рН	Қовушқоклик, [η]
1	1	-	6,7	Оқувчан эмас
2	0,8	0,2	6,9	22606
3	0,7	0,3	7,4	236
4	0,6	0,4	7,6	81,48
Коллаген/пектин аралашмалари				
5	0,8	0,2	6,4	318
6	0,7	0,3	6,0	45,69
7	0,6	0,4	5,2	Суюқ эритма

Олинган натижаларга кўра, композиция намуналарида коллаген массасига нисбатан полисахаридлар миқдори ортиб бориши билан бўккан ҳолдаги қуюқ масса бир жинсли оқувчан ҳолатга ўтиб, қовушқокликнинг кескин камайиши кузатилди.

Шунингдек, турли нисбатларда олинган коллаген/полисахарид аралашмасидаги рН муҳити ўрганилганда; коллагенга нисбатан Na-КМЦ миқдори ортиши билан олинган композицияларда рН муҳитининг ҳам ошиши кузатилди. Лекин, коллаген/пектин билан олинган композицияларда рН муҳити пектин миқдорининг ортиб бориши билан кислотали муҳитга ўтиши аниқланди. Ушбу ҳолат, композиция олишда қўлланилган Na-КМЦ нинг (ПД-530, АД-85) рН=8.2, цитрус пектиннинг ($-OCH_3$ гуруҳи миқдори 65%) рН=4.6 га тенг эканлиги билан изоҳланади.

Композициялар таркибидаги коллагеннинг тузилишидаги ўзгаришлар ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида ўрганилди (3-расм).




3-расм. Коллаген асосида олинган плёнкаларнинг ИҚ-спектрлари

Коллагеннинг ИҚ-спектрларида водород боғланишда иштирок этувчи эркин ва амид I, II, III N-H гуруҳларига мос келувчи ютилишлар 3326, 1635, 1552 ва 1261 cm^{-1} соҳаларда аниқланди. Коллаген/полисахарид композицияларининг ИҚ-спектрларида эса ушбу гуруҳларга хос ютилиш соҳаларида ўзгаришлар кузатилди. Жумладан, коллаген/Na-КМЦ учун ушбу ютилишлар мос равишда 3396, 1668, 1557, 1259 cm^{-1} соҳаларда кузатилди. Бу

эса коллаген ва полисахарид реакцион фаол марказлари ўзаро таъсирлашиши натижасида ион ва водород боғларининг ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Адабиётлардан маълумки, эритмадаги коллагеннинг денатурация ҳарорати 39°C га тенг, лекин унга полисахаридлар қўшиб олинган композицияларда унинг термик барқарорлиги ортиб, қовушқоқлиги камайганлиги аниқланган. Шунинг учун тадқиқотларимиз давомида коллаген ва полисахаридлар асосида олинган композицияларнинг реологик хусусиятларини ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди. 4- ва 5-расмларда коллаген ва полисахаридлар (Na-КМЦ ва пектин) композицияларининг реологик хусусиятлари келтирилган.




4-расм. Коллаген 20°C, 30°C, (а) ва коллаген/Na-КМЦ (8/2, 7/3, 6/4) 20°C (б), 30°C (в), 40°C (д) самарали қовушқоқликлари

Коллагеннинг 20°C ва 30°C даги эффектив қовушқоқлиги қиймати юқори (4-расм, а) бўлиб, ушбу шароитда коллагеннинг табиий тузилиши сақланиб қолганлиги билан изоҳланади, лекин 40°C ҳароратда коллагеннинг денатурацияга учраши натижасида самарали қовушқоқлигини аниқлаш имконияти бўлмади.

Коллаген сувли массасига қўшилган Na-КМЦ миқдорининг ортиб бориши билан композициянинг қовушқоқлиги нисбатан камайиб боради, лекин термик барқарорлиги эса ортиб бориши кузатилди (4 расм. б,в,г).

Шунингдек коллаген ва пектидан олинган композицияларининг ҳам реологик хусусиятларини ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди (5-расм).



5-расм. Коллаген/пектин (8/2, 7/3, 6/4) композицияларининг 20°C (а), 30°C (б), 40°C (в) самарали қовушқоқлиги

5-расмдан келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, коллаген сувли массасига пектин қўшилганда ҳам унинг термик барқарорлиги ортиб, самарали қовушқоқлиги камаяди. Коллаген/пектин композицияларнинг қовушқоқ оқувчанлиги коллаген/Na-КМЦ композицияларининг самарали қовушқоқлигидан кичик эканлиги аниқланди. Коллагенга нисбатан 40°C да композицияларнинг самарали қовушқоқлиги сақланиб қолганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида коллаген ва полисахаридлар асосида олинган композициялардан плёнкалар олиш борасида изланишлар олиб борилди. Дастлаб коллаген асосида плёнка олинди, бироқ, коллагендан олинган плёнкалар сирти нотекис, қалин ва эластиклиги йўқ. Коллаген сувли массасига полисахаридларни: Na-КМЦ ва пектин қўшиш орқали ҳосил қилинган суюқ оқувчан масса асосида олинган плёнкалар коллаген асосида олинган плёнкага нисбатан эластиклик хусусияти яхши бўлсада, барча физик-механик хусусиятлар бўйича талабга жавоб бермайди. Жумладан, эластиклиги кам, шу билан бирга плёнкалар қалин ва дағал кўринишга эга бўлди. Шунинг учун бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида плёнка олиш жараёнида композициялар таркибига глицерин қўшиш орқали пластификацияланди.

Коллаген ва полисахаридлар асосида олинган композициялар таркибига глицерин қўшиш орқали олинган плёнка намуналарининг қалинлиги аниқланди (3-жадвал).


3-жадвал

Коллаген ва полисахаридлардан олинган плёнкаларнинг қалинлиги


Намуналар	Қалинлиги, мкм	Намуналар	Қалинлиги, мкм
Коллаген	57	Коллаген	57
Коллаген/Na-КМЦ 8/2	14	коллаген/пектин 8/2	13
Коллаген/Na-КМЦ 7/3	12	коллаген/пектин 7/3	12
Коллаген/Na-КМЦ 6/4	11	коллаген/пектин 6/4	10

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, коллаген сувли массаси қуригандан сўнг қалин, қаттиқ, мўрт ва синувчан плёнка ҳосил бўлди. Коллаген/Na-КМЦ ва коллаген/пектин композицияларининг яхши оқувчанлиги, қуригандан сўнг текис юза ҳосил қилиши сабабли қалинлиги камайди. Олинган плёнкаларнинг ўртача қалинлиги коллаген/Na-КМЦ 7/3 14 мкм ва коллаген/пектин 8/2 13 мкм эканлиги аниқланди.

Турли таркибли плёнкаларнинг физик-механик хусусиятлари, жумладан, мустаҳкамлиги ўрганилди.



(а)




(б)

6-расм. Коллаген ва полисахаридлар асосида олинган плёнкаларнинг мустаҳкамлиги (а) ва чўзилувчанлиги (б). Маълумотлар ўртача ± стандарт бўйича коллагендан олинган плёнкага солиштирилган – $p \leq 0,05$, ($n = 6$).

6-расмда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, юкори мустаҳкамлик қиймати коллаген/Na-KMЦ 7/3 (3.95 МПа) ва коллаген/пектин 8/2 (3.9 МПа) нисбатлардаги композицияларга глицерин қўшиш орқали олинган плёнкаларда кузатилди. Лекин, композиция таркибидаги Na-KMЦ ва пектин миқдорларининг ортиб бориши билан плёнка мустаҳкамлиги камайиши кузатилди. Коллаген/Na-KMЦ 6/4 ва глицерин асосида олинган плёнканинг мустаҳкамлиги 3.47 МПа, коллаген/пектин 7/3, 6/4 нисбатларда ва глицерин қўшиб олинган плёнкалар мустаҳкамлиги эса мос равишда 3.0 МПа, ва 2.7 МПа эканлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида плёнкаларнинг чўзилувчанлигига глицерин миқдорининг таъсири ўрганилди. Коллаген массасига турли миқдорда глицерин қўшиб плёнка намуналари олинди, лекин уни қуритиш жараёнида плёнка сирт юзасида глицериннинг ажралиб чиқиши кузатилди ва плёнканинг чўзилувчанлиги 17% ошмаслиги аниқланди. Коллаген/полисахарид композицияларига қўшилган глицерин миқдорининг ортиб бориши билан унинг асосида олинган плёнкаларнинг чўзилувчанлик қиймати ортиб бориши кузатилди. Плёнка намуналарининг чўзилувчанлигини аниқлаш натижалари асосида энг мақбул таркиб сифатида коллаген/Na-KMЦ 7/3 нисбатдаги композициясига 17% глицерин қўшиб олинган плёнка (чўзилувчанлиги 27.8%) ҳамда коллаген/пектин 7/3 нисбатдаги композицияга 17% глицерин қўшиб олинган плёнка (чўзилувчанлиги 26.7%) танлаб олинди.

Шунингдек, олинган плёнкаларнинг сирт тузилиши ва коллаген толаларининг ўзгариши АСМ (атом сканирловчи микроскоп) ёрдамида ўрганилди (7-расм).



7-расм. Плёнкаларнинг АСМ да олинган фазали ҳолати: (а) коллаген, (б) коллаген/Na-КМЦ 8/2, (в) коллаген/Na-КМЦ 7/3, (г) коллаген/Na-КМЦ 6/4 (2.00x2.00 μm).

АСМ уч ўлчовли (3d) расмлари: коллаген (А), коллаген/Na-КМЦ 8/2 (Б), коллаген/Na-КМЦ 7/3 (В), коллаген/Na-КМЦ 6/4 (Г)

7-расмда келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, коллаген сувли массасидан олинган плёнкада (а), коллаген фибрилл толалардан ташкил топган. Коллаген/Na-КМЦ 8/2 нисбатда олинган плёнкада коллаген фибрилл толалари йўғонлашган ва Na-КМЦ кириши натижасида ёйилган, толалар йириклашган (б). Коллаген/Na-КМЦ 7/3 нисбатда олинган плёнкада коллаген фибрилл толалари катталашган ва бўкиш ҳисобига текис ёйилган, толалар эса плёнка ҳажми бўйлаб тарқалган (в). Коллаген/Na-КМЦ 6/4 нисбатда олинган плёнкада эса коллаген фибриллари эриши ҳисобига фибрилл толалар йўқ бўлиб кетганлиги аниқланди (г).

АСМнинг 3d ўлчамли тузилишида коллагендан олинган плёнкаларнинг юза қисмлари нотекис ҳолатда (А), коллаген/Na-КМЦ композициясидан олинган плёнка намуналарида юза қисмининг текисланишини кўриш мумкин. Жумладан, коллаген/Na-КМЦ 8/2 нисбатдаги плёнкаларда фибрилл толалар бироз текисланган ва шишган (Б), коллаген/Na-КМЦ 7/3 нисбатдаги плёнка юзасида фибрилл толалар текисланган (В), коллаген/Na-КМЦ 6/4 нисбатдаги плёнкалар эса текис юза ҳосил қилган (Г).

Шунингдек, коллаген/пектин композицияси асосида олинган плёнкалар СЭМ (сканерловчи электрон микроскоп) усули ёрдамида ўрганилди. Натижалар коллаген сувли массасидан олинган плёнканинг юза қисмида нотекис, фибрилл толалар устма-уст жойлашган, йўғон ва бўртган ҳолда тузилганлигини кўрсатди. Коллаген/пектин 8/2 нисбатда олинган плёнка юзасида фибрилл толалар майда қисмларга бўлинган, плёнка юзаси нисбатан текис ва бир-хил тарқалганлиги, коллаген/пектин 7/3 ва коллаген/пектин 6/4 нисбатдаги композициялардан олинган плёнка юзаларида фибрил толалар йўқ бўлиб, бир жинсли, текис юза ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида, коллаген/Na-KMЦ 7/3 ва коллаген/пектин 8/2 нисбатдаги композицияларига 17% глицерин қўшиб пластификациялаб олинган плёнка намуналарини физик-механик хусусиятлари бўйича энг мақбул таркиб эканлиги исботланди.

Диссертациянинг «Коллаген асосида олинган плёнкаларнинг биологик фаолликлари» деб номланган тўртинчи бобда коллаген ва полисахаридлар асосида олинган плёнкаларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги битишмаларни олдини олиши, организмдаги биосўрилувчанлиги, жароҳатларни битказиш фаолликлари ҳамда фармако-токсикологик хусусиятларига оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Коллаген асосида олинган плёнкаларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги битишмаларни олдини олиш фаоллиги ва токсикологик хусусиятлари Биоорганик кимё институтининг «Фармакология» лабораториясида, қуйганга қарши биологик фаоллиги Ўсимлик моддалар кимёси институтида «Фармакология ва токсикология» лабораториясида, юз-жағ жарроҳлиги бўйича фаоллиги Тошкент давлат стоматология институти «Морфология» кафедраси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилди.

Плёнкаларнинг биосўрилувчанлиги каламушларда тери ости тўқимасига киска муддатли имплантация амалиёти ўтказиш орқали ўрганилди. Натижада, коллаген/NaKMЦ 7/3 ва коллаген/пектин 8/2 плёнкалари 3 ҳафтадан сўнг тўлиқ сўрилиб кетиши аниқланган.

Плёнкаларнинг битишма жараёнини олдини олиши бўйича тадқиқотлар каламушларда ўрганилди. Натижалар қуйидаги 4-жадвал ва 8-расмда келтирилган.

4-жадвал

in vivo шароитида плёнка намуналарини қўлланилишида битишма ҳосил бўлиш шкаласи бўйича баллари (n=6)

Плёнка намуналари	Баҳолаш шкаласи, балл						Баллар йиғиндиси	M±m*
	0	1	2	3	4	5		
Назорат	1	1	0	0	2	2	19	3,17±0,87
Кол/NaKMЦ 70/30 (П-1)	6	0	0	0	0	0	0	0
Кол/пектин 80/20 (П-2)	4	2	0	0	0	0	2	0

n=6; *p=0,005



8-расм. Тажриба хайвонларининг назорат гуруҳидаги (К-3) ва плёнка қўлланилгандаги (П-1 кол/NaKMЦ, П-2 кол/пектин 80/20) фотосуратлари

Келтирилган жадвал ва расмдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳи ҳайвонларининг биттасида битишма ҳосил бўлмаган, лекин биттасида юпка (1 балл), иккитасида қалин (4 балл) ва иккитасида жуда қалин (5 балл) битишма ҳосил бўлди. П-2 плёнка қўлланилган гуруҳнинг иккита ҳайвонда кўр ичагининг гумбаз қисмида юпка плёнкасимон битишма (1 балл) ҳосил бўлди. Қолган ҳайвонларда битишма содир бўлмади. П-1 плёнкаси қўлланилган барча ҳайвонларда битишма ҳосил бўлмади (назорат гуруҳига нисбатан $p=0,005$), жароҳат юзаси ўз структурасини тўлиқ тиклади. Иккинчи ва учинчи гуруҳ ҳайвонларининг жароҳат юзасида оз миқдорда тиниқ гел кузатилди. Олинган натижалар айнан ушбу усул асосида битишмага қарши фаоллиги ўрганилган хорижда ишлаб чиқарилаётган Seprafilm™ дори воситаси билан таққосланганда, 2.5 марта кўп юқори фаоллик намоён қилиши аниқланган.

Плёнкаларнинг куйишга қарши фаоллигини ўрганиш мақсадида таркибига турли нисбатда хлоргексидин кўшиб плёнкалар олинди. Тадқиқотлар каламушларда сунъий куйиш чақирилган ҳолда ўрганилди. Назорат препарати сифатида Левомекольдан фойдаланилди. Олинган натижалар назорат гуруҳи ҳайвонларда куйган тери юзаси 48,8 кунда, левомеколь препарати қўлланилганда 32,5 кунда, плёнкалар қўлланилган гуруҳларда эса 26-30 кунда жароҳат битиши аниқланди.

Плёнканинг биосўрилувчанлигини морфологик ўрганиш тадқиқотлари жарроҳлик амалиётидан сўнг унинг жароҳатловчи ва ёт модда сифатида таъсир қилмаслиги аниқланди. Плёнканинг тўкималарга нисбатан ножўя таъсири ва яллиғланишга қарши хусусиятга эга эмас. Ушбу плёнкадан тери юзаси ва яра қавати остидаги тузилмаларни ўзаро боғлаш тенденциясига эга эканлиги аниқланди. Натижада клиникада юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсонларни жарроҳлик усулида даволашни оптималлаштириш ва жарроҳликдан кейин унинг тикланишини тезлаштириш учун қўллаш мумкинлигини кўрсатди.

Шунингдек плёнкаларнинг ўткир захарлилиги ўрганилганда LD_{50} қиймати ≥ 10000 мг/кг эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида коллаген/Na-КМЦ 7/3 асосида олинган плёнка физик-кимёвий, биологик ва фармакологик хусусияти жиҳатидан энг самарали деб танланди ҳамда битишмаларни олдини олишда ва куйиш натижасида ҳосил бўлган жароҳатларни давлash учун «КолКацел» деб номланди. «КолКацел» воситаси учун стандартлаш усуллари ва олиш технологияси ишлаб чиқилди, ҳамда ихтиро учун патент олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорамол терисидан ишқорий-тузли гидролизлаш усулида кўшимчаларсиз, табиий структураси сақланган коллаген сувли массасини ажратиб олишнинг энг мақбул шароити аниқланди ва буферли

экстракциялашдан сўнг иккинчи гидролиз жараёнини 5 % NaOH ва 80 г/л Na₂SO₄, 80 дақиқа давомида олиб бориш тавсия этилди.

2. Коллагеннинг полисахаридлар - Na-КМЦ ва цитрус пектинлари билан кимёвий мувофиқлиги турли нисбатларди тадқиқ этилиб, композиция таркибида Na-КМЦ ва пектин миқдорининг ошиши, макромолекулалар орасида чуқур ўзаро таъсирлашуви ва коллагеннинг уч спирал тузилиши йўқолиши натижасида фибрилляр тузилишнинг парчаланишига олиб келиши аниқланди.

3. Турли нисбатлардаги коллаген:полисахарид композицияларини шаклга қуйишнинг асосий имкониятлари тадқиқ қилинди, коллаген:Na-КМЦ=7:3 ва коллаген:пектин=8:2 масса нисбатларида олинган композициялар кимёвий мувофиқ ва улар асосида коллагеннинг дастлабки фибрилляр тузилишини сақловчи плёнкалар олиш мумкинлиги аниқланди.

4. Эксплутацион хусусиятларга (мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, эгиливчанлик ва бошқ.) мос келувчи плёнка олиш мақсадида, композицияни глицерин билан пластификациялаш олиб борилди ва сувли композицияга нисбатан таркибида 17% масса оғирликда глицерин сақлаган композициядан жарроҳликда яроқли плёнкани шаклга қуйиш имконини бериши аниқланди. Таркибида 17% глицерин сақлаган коллаген:Na-КМЦ=7:3 ва коллаген:пектин=8:2 нисбатдаги композициялардан шаклга қуйиб олинган плёнкалар мос равишда 3,95 ва 3.9 МПа мустаҳкамликка, 27,8 ва 26,7% чўзилувчанликка ва мустаҳкамлик кўрсаткичларига эга бўлиб уларни жарроҳлик амалиётида қўллаш учун тавсия этилди.

5. Плёнкаларнинг фармако-токсикологик тадқиқотлари тирик организмга имплантация қилинган плёнкалар биомосланувчан, ножўя таъсирининг йўқлиги, плёнка қалинлигига боғлиқ ҳолда 15-20 кун давомида тирик тўлик сўрилиши, имплантация қилинган жойда 10 кундан сўнг хусусий коллаген фибрилларининг ҳосил бўлиши кўрсатди.

6. Илк бор, “Колкацел” савдо номи остида жарроҳлик плёнкаси ишлаб чиқилди ва қорин бўшлиғи жарроҳлигида битишмага қарши, туғма очилган танглайни жарроҳлик даволашда, йирингли яралар ва куйишда хлоргексидин (хлоргексидин миқдори 0,05%) билан биргаликда жароҳат битказувчи восита сифатида қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37/01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

МУЙДИНОВ НУРИЛЛО ТУХТАРОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ПРОТИВОСПАЕЧНЫХ КОМПОЗИЦИЙ НА ОСНОВЕ
КОЛЛАГЕНА И КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗЫ**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/K71.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Тураев Аббасхан Сабирханович доктор химических наук, академик
Официальные оппоненты:	Бобоев Бахром Нуруллаевич доктор химических наук
	Тулаганов Абдукодир Абдурахмонович доктор фармацевтических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/V.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № ___). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsh@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «___» от _____ 2020 г).

Ш.И.Салихов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов
Ученого секретаря Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое практическое значение имеет производства различных лекарств и медицинских изделий на основе натурального растительного и животного сырья. Поскольку средства, полученные на основе такого сырья, имеют малую токсичность, биодоступность, рассасываемость и ранозаживляющие свойства, по сравнению синтетическими средствами. В последние годы развивается исследования по получению на основе коллагена, выделенного из животного сырья, материалов для медицины, фармацевтики и косметологии. Это связано с тем, что материалы полученные на основе коллагена обладают высокой биодоступностью, рассасываются в организме, не вызывают аллергии, имеет низкие побочные эффекты и обладают высокой терапевтической эффективностью.

На сегодняшний день в мире ведутся исследования по выделению коллагена с нативными свойствами из отходов кожевенной промышленности, изучение его свойств, получение композиций на основе коллагена и полисахаридов а также создание новых медицинских изделия на их основе. В частности, в медицинской практике используются различные медицинские изделия на основе коллагена и полисахаридов (КолГара, Мезогель, Seprafilm и др.). Исследования направлены на создания высокоэффективных и отвечающих медицинским требованиям материалов на основе природных биополимеров. В том числе, проводятся исследования по выделению коллагена из кож сырья, с сохранением природной структуры, а также путем модификации его с полисахаридами, с целью получения композиций с заданными свойствами, создания высокоэффективных средств на основе композиции с низкими побочными действиями для хирургической практики.

В нашей стране особое внимание уделяется использованию инновационных достижений для разработки высокоэффективных медицинских изделий на основе натурального сырья и их внедрение в медицинскую практику. На основе программных мер, предпринятых в этом направлении, была создана научная основа, с новыми подходами, для производства высокоэффективных лекарственных веществ. В Стратегии развития Республики Узбекистан (4-направление) изложены задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями». При реализации поставленных задач, важное значения имеет получения новых малотоксичных медицинских изделий на основе коллагена с противоспаечными и ранозаживляющими свойствами для хирургической практики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах», в Указе Президента № УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3552 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

